



LEGAL BASIS OF CONSIDERATION OF INHERITANCE CASES BY COURTS, SPECIFIC PROCEDURAL ASPECTS, COURT PRACTICE AND THE PROBLEMS OF IMPROVING THE LAW

Tutiyoikhon Saidumarovna Sultonova

Lawyer, Candidate of Legal Sciences

Independent Researcher at Tashkent State University of Law (TSUL)

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: inheritance, heir, time of inheritance, place of inheritance, degree of kinship, circle of heirs, persons who receive a compulsory share of inheritance, certificate of inheritance, will, inheritance right, inheritance mass, share of inheritance, right to preferential share, joint property, disinheritance.

Received: 01.07.25

Accepted: 02.07.25

Published: 03.07.25

Abstract: Since inheritance cases include civil legal relations, disputes related to these relations are matters related to civil courts. The legal basis for formalizing the right to inheritance is directly expressed in the Civil Code of the Republic of Uzbekistan. The issue of inheritance is regulated by the Civil Code of the Republic of Uzbekistan, the Law "On Notary", the Family Code, and the decisions of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan on inheritance. Other legal norms can also be used as the legal basis for solving inheritance cases.

СУДЛАР ТОМОНИДАН МЕРОСГА ОИД ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, ЎЗИГА ХОС ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ СУД АМАЛИЁТИ ВА ҚОНУНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Тўтиёхон Саидумаровна Султонова

адвокат, юридик фанлар номзоди

ТДЮУ мустақил тадқиқотчиси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: мерос, меросхўр, мерос очилган вақт, мерос очилган жой, қариндошлик даражаси, меросхўрлар доираси, меросдан мажбурий улуш олувчи шахслар, мерос гувоҳномаси, васиятнома, мерос ҳуқуқи, мерос массаси, меросдан улуш олиш, имтиёзли улуш олиш ҳуқуқи, биргаликдаги мулк, меросдан воз кечиш.

Аннотация: Меросга оид ишлар ўзида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни жамлаб олганлиги боис, ушбу муносабатлар бўйича низолар фуқаролик ишлар бўйича судларга тааллуқли ишлар ҳисобланади. Меросга бўлган ҳуқуқни расмийлаштиришнинг қонуний асослари бевосита Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ўз ифодасини топган.

Мерос масаласи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Нотариат тўғрисида”ги қонун Оила кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг меросга оид қабул қилган қарорлари билан тартибга солиниб келинмоқда. Меросга оид ишларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асослари сифатида бошқа қонун нормалари ҳам қўлланиши мумкин.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РАССМОТРЕНИЯ ДЕЛ О НАСЛЕДСТВЕ СУДАМИ, ОСОБЕННОСТИ ПРОЦЕССУАЛЬНЫХ АСПЕКТОВ, СУДЕБНАЯ ПРАКТИКА И ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

Тўтиёхон Саидумаровна Султонова

Адвокат, кандидат юридических наук

Независимый исследователь

Ташкентского государственного юридического университета (ТГЮУ)

Тошкент, Ўзбекистон

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: наследство, наследник, время открытие наследство, место открытие наследство, круг наследников, лица право на обязательную долю в наследстве, свидетельство о наследстве, завещание, право наследования, наследственная масса, доля наследства, право на получение наследства преимущественная доля, совместная собственность, отказ от наследство.

Аннотация: Поскольку дела о наследстве включают в себя гражданские правоотношения, споры, связанные с этими отношениями, относятся к компетенции гражданских судов. Правовая основа оформления права на наследство прямо выражена в Гражданском кодексе Республики Узбекистан. Вопрос наследования регулируется Гражданским кодексом Республики Узбекистан, Законом «О нотариате», Семейным кодексом, Постановлением пленума Верховного суда Республики Узбекистан по наследству. В качестве правовой основы при разрешении наследственных дел могут быть использованы и другие правовые нормы.

Меросга бўлган ҳуқуқни расмийлаштиришнинг қонуний асослари бевосита Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси да ўз ифодасини топган. Меросга оид ишлар ўзида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни жамлаб олганлиги боис, ушбу муносабатлар бўйича низолар фуқаролик ишлар бўйича судларга тааллуқли ишлар ҳисобланади. (ЎзРФПК нинг 26-моддаси).

Мерос масаласи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Нотариат тўғрисида” ги қонун Оила кодекси , Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг меросга оид қабул қилган қарорлари билан тартибга солиниб келинмоқда. Меросга оид

ишларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асослари сифатида бошқа қонун нормалари ҳам қўлланиши мумкин.

Фуқаролик судларида кўриладиган ишлар тоифасида меросга оид ишлар кўпинча даъво тартибида кўрилади. Мазкур туркумдаги ишларни кўришнинг ўзига хос процессуал жиҳатлари мавжуд. Фикримизча, Биринчи жиҳати: мероснинг очилиш вақти бўлиб, суд мазкур тоифадаги ишни кўриш вақтида аввало мероснинг очилиш вақтини аниқлаб олиши лозим бўлади. Таъкидлаш жоизки, қонунга кўра меросхўр ёки меросхўрлар мерос мулкини қабул қилиб олишлари учун мерос очилган бўлиши керак., бу ворислик ҳуқуқини асосини ташкил этади. Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади. ЎзР ФКнинг 1116-моддаси талабидан келиб чиқиб, Мерос қолдирувчининг ўлган куни у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади Бунинг учун суд мерос қолдирувчининг ҳақиқатдан ҳам вафот этганлигини тасдиқловчи фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими (ФХДЁ) томонидан берилган ўлим ҳақидаги гувоҳномани мавжудлигини текширади ва фуқаролик ишига кўшади.

Мерос деганда, фуқароларнинг вафот этган кунида уларга тегишли бўлган турли ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунилади. Юридик нуқтаи назардан мерос мулки деганимизда, вафот этган фуқаронинг (мерос қолдирувчининг) асосий мулкый ҳуқуқларини ворисларга ўтиши тушунилади. “Одатда мерос мулки деган эди, ҳуқуқшунос олим Ф.Х.Сайфуллаев ўлган кишидан қолган мулк ҳисобланади. Буни мерос массаси ҳам деб аташади”. А.В.Селянин фикрича мерос – бу ўлган шахсдан қолган мулкни меросхўрга ёки меросхўрларга ўтишидир. Н.И.Авдеенко, М.А.Кабаковалар эса меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома низосиз ҳуқуқни тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракат эканлигини таъкидлайдилар. Р.Муҳамедов “мерос деганда биз фуқароларнинг вафот этган кунида уларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисини тушунамиз, ворислик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг ажралмас қисми бўлиб, фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқи билан чамбарчас боғланган”, Б.Б.Самархўжаев “ворислик барча ҳуқуқ тизимларида мулкни эгаллашнинг алоҳида усули” -деб таъкидлайдилар. А.И. Гомола, “меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома барча ташкилотлар, мансабдор шахслар учун, гувоҳномада кўрсатилган шахслар ўлганнинг ворислари эканлигини қонуний асосларда, меросхўрларга мерос мулки ўтганлигини гувоҳлантирувчи ҳужжатдир” деган фикрни билдиради.

Республикамиз мустақилликка эришгач мулкчилик шакллари кенгайди бу эса ўз навбатида ворислик ҳуқуқида ўзгаришларга сабаб бўлди. Қабул қилинган мулкчилик, деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари

тўғрисидаги, тижорат сири, қонунларга кўра мулк эгаларининг мулклари вақти келганда меросхўрларга ўтиши ворислик институтининг ўзига хос янги жиҳатларини яратди. Унга кўра, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги қонуни 9-моддасига асосан, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи, деҳқон ва фермер хўжалигининг бошлиғи (раҳбари) вафот этган тақдирда шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида деҳқон, фермер хўжалиги фаолиятини давом эттириш истагини билдирган хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўлиб ўтади. Деҳқон, фермер хўжалиқларига берилган томорқа ер участкалари бўлиниши мумкин эмас.

Иккинчи жиҳати: Меросга оид низоли ишни кўраётган суд(судья) нотариус томонидан меросхўрларга қонун ёки васият бўйича Меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида Гувохномани расмийлаштирган бўлса, нотариус томонидан мерос очилган жой тўғри аниқланган ҳолатини текшириши лозим бўлади. Ушбу ҳолатда, ишни кўраётган суд(судья) мерос қолган мулк эр-хотиннинг никоҳ давомида олинган мулк бўлса, нотариус эр ёки хотинга мерос қолган мулкдан $\frac{1}{2}$ қисмига нисбатан Мулкка эгалик ҳуқуқи ҳақида Гувохнома олганлигини текшириши лозим бўлади. Қайд этиш жоизки, қонун бўйича эр ёки хотин ушбу улушини қабул қилмасдан туриб бошқа меросхўрнинг фойдасига воз кечишига йўл кўйилмайди.

ЎзР ФК нинг 1117-моддасида мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой ҳисобланади дейилган.

Учинчи ҳуқуқий жиҳати, мазкур ҳолатда суд(судья) судга мурожаат этган меросхўрларнинг қариндошлик даражасини аниқлаб олади, агарда низо меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида нотариал тартибда гувохнома олгандан сўнг вужудга келган ва судга мурожаат этилган бўлса, ишни кўраётган суд, нотариус томонидан мазкур қонун талаби қандай тартибда амалга оширилганлигини текшириб ҳуқуқий баҳо бериши лозим бўлади.

Қариндошлик даражалари туғилганлик ҳақидаги гувохнома, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувохнома, суднинг марҳумнинг қарамоғида бўлганлик факти тасдиқланган қонуний кучга кирган Ҳал қилув қарори билан аниқланиши мумкин.

Қариндошлик даражаси оталикни суд йўли билан белгилаш асосида ҳам амалга оширилади. Бу борада фикр билдирган процессуалист олима З.Н.Эсанова “оталикни белгилаш масаласи қайси шаклда амалга оширилмасин, у ўзида ҳамма вақт маълум

мақсадларга эришишни ифодалайди, шунингдек, бола учун алимент ундирилиши, меросдан хисса ундириш ёки меросга эгалик ҳуқуқини белгилаш тушунилади” -деб таъкидлайди. Қариндошлик даражаси ушбу йўл билан белгиланган бўлса ишни кўраётган суд мазкур иш юзасидан қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарорини талаб қилади.

Бу борада фикр билдирган Т.И.Зайцева фикрича нотариус, “меросхўрлар доирасини аниқлаб олиши, буни эса керакли ҳужжатлар билан асослаши керак. Бу ҳужжатлар мерос қолдирувчи билан меросни қабул қилиб олувчи ўртасидаги қариндошлик даражасини аниқлаб бериши лозим” .

Ишни кўраётган суд, меросдан воз кечган меросхўрлар борлигини текшириши лозим бўлади. Таъкидлаш жоизки, меросдан воз кечишни кейинчалик қайтариб олишга йўл кўйилмайди. Бироқ, меросдан воз кечиш суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Меросдан воз кечиш бўйича талабни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича меросхўрлар ўртасида суд тартибида низолашиш мумкин.

Мархумнинг мерос қолган мулкка эгалик ҳуқуқи тегишли ҳужжатлар асосида аниқланади. А.В.Кулик таъкидлашича “нотариус кўчмас мулкка нисбатан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани расмийлаштириганда, албатта, мулкни тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтганлигини текшириши лозим” .Фикримизча ишни кўраётган суд ҳам ушбу ҳолатни текшириши лозим бўлади, зеро мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи қонунда кўрсатиб ўтилган тартибда мулкни тегишли идоралардан рўйхатдан ўтгачгина тўлақонли вужудга келади.

Одатда мерос мулки вафот этган кишидан қолган мулк ҳисобланиб, айрим ҳолларда ўлган кишининг мулкий ҳуқуқлари билан мерос мулкнинг ҳажми тўғри келмаслиги мумкин, масалан, мархумнинг ҳаётлигида нафақа, пенсия олишга бўлган ҳуқуқлари унинг мулкий ҳуқуқи таркибига кирса ҳам, аммо мерос мулкига қўшилмайди. Мерос қолдирувчига тегишли бўлган мулкий бўлмаган шахсий ҳуқуқлар, масалан, асарнинг ёки ихтиронинг муаллифи бўлиш ҳуқуқи меросхўрларга ўтмайди. Суд(судья) қонун бўйича ворислик масаласини ҳал этишда ҳамма ворисларнинг улушлари тенг эканлигини, яъни меросхўрларнинг ҳар қайсиси қонун бўйича мерос мулкидан тенг улушлар олишини тушунтиради. Мерос мулкни тенг улушлари қонуний улушлар дейилади.

Тўртинчи ҳуқуқий жиҳати, суд амалиётида мерос масаласини ҳал этишнинг ўзига хос бўлган жиҳатларидан бири, меросга оид ишларни кўриш вақтида нечанчи навбатдаги меросхўрлар судга мурожаат этганлиги билан изоҳланади. Қонун меросхўрларни меросни қабул қилиш бўйича навбатларини белгилаб берган бўлиб, суд амалиётида кўпинча мерос бўйича низоли ишлар биринчи навбатдаги меросхўрлар ўртасида юзага келади.

Бешинчи ҳуқуқий жиҳати, ушбу тоифадаги ишларни кўриш жараёнида суд, мерос мулкка нисбатан тақик қўйилмаганлигини текшириши лозим бўлади. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 51-модда талабидан келиб чиқиб, мерос очилган жойдаги нотариус қонунчиликка мувофиқ мерос қолдирувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қилади. Даъволар ёзма равишда баён этилиши шарт дейилган.

Шунингдек, мерос қолган мулкка суд ёки тергов идоралари томонидан тақик солинган бўлса, мерос иши тақик олиб ташлангунга қадар тўхтатиб турилади. Бу вақтда ишни кўраётган суд(судья) ЎзР ФПКнинг 116-модда, 4-бандига асосланиб, 119-модда тартиби асосида бу ҳақда Ажрим чиқаради.

Олтинчи ҳуқуқий жиҳати, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1153-моддасига мувофиқ, мерос очилгунга қадарли уч йил ва ундан ортиқ йиллар мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар, мерос тақсимланишида, мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини асл (натура) ҳолида олишга имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар. Бу борада ишни кўраётган суд(судья) мерос таркибига кирган уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларига нисбатан имтиёзли ҳуқуқни амалга оширишда қолган меросхўрларнинг розилиги олиниши талаб этилмаслиги га, эътибор қаратиши лози бўлади. Бирок, мерос бўйича улушларни тақсимлашда қонун нотариусга бу ваколатни бермаганлиги сабабли, мерос таркибига кирган мулкдан меросхўрни имтиёзли олиш ҳуқуқи суд тартибида амалга оширилади. Меросхўрлар тинч йўл билан ўзаро ушбу келишувга эришган ҳолатлар бундан мустасно ҳисобланади.

Еттинчи ҳуқуқий жиҳати, суд(судья) ишни кўриш вақтида мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимларига мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлган ва у у билан бирга яшаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар борлигини аниқлаши лозим бўлади.

Шунингдек, ЎзР ФК нинг 1142-моддасида “мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қайд этилган. Мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар” дейилган. Бундан кўринадики, мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан айнан ўзини, натура шаклида эмас, балки улардан ўзига тегишли улушини қийматини олади.

Процессуалист олима Г.И. Жаркова фикрича, “мажбурий улушни пул шаклида берилишида, мулкнинг қиймати ҳақидаги масалани ҳал этиш керак, ушбу масалани ҳал этишда, мерос қолган мулкнинг қиймати мерос очилган вақтдаги бозор нархидан келиб чиқиб ундирилади”.

Саккизинчи жиҳати: Суд(судья) ишни мазмунан кўриш жараёнида, меросдан воз кечган меросхўрлар борлигини текшириши, агарда бор бўлса меросдан воз кечиш тегишли тартибда нотариал тасдиқланганлигига эътибор қаратиши лозим бўлади. Зеро, меросдан улуш олиш меросхўрнинг мажбурияти эмас, балки унинг ҳуқуқи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1147- моддаси талабидан келиб чиқиб, меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1148-моддасида меросдан воз кечиш ҳуқуқининг чекланиши кўрсатиб ўтилган.

“Мазкур қонун талабига кўра агар меросхўр васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам ворисликка чақирилса, у ана шу асосларнинг бири ёки ҳар иккаласи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечишга ҳақли.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳоллардан ташқари мероснинг муайян қисмидан воз кечилишига, меросдан изоҳотлар билан ёки шартлар қўйиб воз кечилишига йўл қўйилмайди” дейилган.

Меросхўрлар ўртасида мероснинг тақсимланиши бўйича низо келиб чиққан ва иш судда кўрилаётган вақтида мазкур қонун нормасини суд амалиётида қўллаш бўйича турли хил талқин юзага келмоқда.

Жумладан, суд амалиётида айрим ҳолларда қонунда кўрсатиб ўтилган “мероснинг муайян қисмидан воз кечилишига йўл қўйилмайди” деган қоида мерос таркибига кирган аниқ мерос мулкига нисбатан қаратилганлиги, суд томонидан мерос таркибига кирган барча мулкларга нисбатан тадбиқ этилиб келинмоқда. Фикримизча, “мероснинг муайян қисмидан воз кечилишига йўл қўйилмайди” деган қоида мисол билан тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, мерос қолган мулк таркибига: автомашина, омонат кассада пул, ҳовли-жой, дала ҳовли кирса, меросхўр ушбу мерос таркибига кирган барча мулклардан улуш олишдан воз кечса, ҳар бир мерос қолган мулкни кўрсатиб ўтиб, ушбу мерос таркибига кирган барча мулклардан улуш олишдан воз кечганлигини аризада кўрсатиб ўтиши керак.

Ушбу мисол бўйича, омонат кассада сақланаётган пулдан 2.000.000 сўм бир меросхўрнинг улушини ташкил этса-ю, меросхўр ўзига тегиши керак бўлган 2.000.000 сўмдан бир миллион сўмни мерос сифатида қабул қиламан, қолган бир миллион сўмдан воз кечаман деса, бу воз кечиш нотариус ёки суд томонидан қабул қилинмайди., яъни 1148-

модда талаби бўйича, чунки, юқорида кўрсатиб ўтилган қонун талабидан келиб чиқиб, мероснинг муайян қисмидан воз кечилишига йўл қўйилмайди.

Шайхонтохур туманлараро фуқаролик ишлар бўйича судида даъвогарлар В, Б, Т, З, А, Г, Д, А лар ўртасида меросни тақсимлаш юзасидан келиб чиққан низо бўйича иш кўрилганда юқорида таҳлил қилган қонун талаби, ишни кўрган суд томонидан нотўғри таҳлил қилиниши оқибатида мазкур фуқаролик иши бир неча йиллар судда кўрилди .

Оқибатда Ўзбекистон Республикаси Олий суди да иш қайта кўрилди. Олий судда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1148- моддаси нотўғри қўллаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Мазкур ҳолатда амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1148-моддаси таҳрир талаб эканлигини инобатга олиб, ушбу моддага маълум ўзгартиш киритиб, ушбу моддани қуйидаги таҳрирда бўлиш таклифи берилади. Таклиф: ЎЗР ФКнинг 1148-модда 4-хатбошиси қуйидаги талқинда таҳрир этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу моддада назарда тутилган ҳоллардан ташқари мероснинг муайян қисмидан, деган жумладан сўнг” мерос таркибига кирган айнан бир мулкдан қисмларга ажратиб “ воз кечилишига, меросдан изоҳотлар билан ёки шартлар қўйиб воз кечилишига йўл қўйилмайди” деб қайта таҳрир этилса мақсадга мувофиқ бўлади деб фикр билдираимиз.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, зеро суд идоралари жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилувчи идора ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси. Расмий нашр. Тошкент “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги” , 2003. 66,67,68,69- боблар.
2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси. Расмий нашр. Тошкент “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги” , 2003. 66,67,68,69- боблар.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, №2, 42-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6 сонга илова.Тошкент “Адолат”2007.5-боб.
5. 2011 йил 20 июлдаги 05-сонли “Судлар томонидан меросга оид қонунчиликнинг қўлланиши тўғрисида ”ги Қарор.
6. Сайфуллаев Ф.Х. “Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик ҳуқуқи”2 қисм,Тошкент Ўқитувчи -1988 йил, Б. 256-257. Селянин А.В. “ Нотариат “ Москва-2005, –210 с.
7. .Авдеенко Н.И., Кабакова М.А. “Нотариат в СССР” Издательство –Ленинград-1984. –62 с.

8. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи 2-қисм. Т “Адолат” 1999, Б.450-451.
9. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Тошкент- 2002, ”Ворислик ҳуқуқи соҳасидаг коллизия масалалар”–369 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 йил, №5-6, 88-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2004 йил, №9, 162-модда.
12. Эсанова З.Н. “Оталиқни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари” Юрид.фан.ном.олиш учун ёзилган дисс. ...автореферати. ТДЮИ. 2005. –26 б.
13. Зайцева Т.И. “Защита наследственных прав” // Ж. НОТАРИУС. –Москва. 2003. –№4. –4 с.
14. Кулик А.В. Оформление наследования недвижимости в отсутствие правоустанавливающего документа. // Ж. Российская Юстиция. 2000. –№9. –32с.
15. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонуни таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон)
16. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. Қонун номи билан, 2001. –№1-2. –38 б.
17. Жаркова Г.И. “Обязательная доля в наследстве в свете нового законодательство”//Ж.Нотариус. 2004.-№4-24 стр.
18. Муаллиф ўзи бевосита адвокат сифатида иштирок этган фуқаролик ишидан мисол келтириб ўтган., 1-1487/09 сонли фуқаролик иши
19. Муаллиф ўзи бевосита адвокат сифатида иштирок этган фуқаролик ишидан мисол келтирган. ФСХ-462-10.